

# БУХОРНИНГ БИРИНЧИ СУВ МИНОРАСИ

*Инсон доимо ўзига қулай шароит яратишни истайди. Озиқ-овқат таъминоти, меҳнат қуролларини яратиш, уларни такомиллаштириш, шунингдек, бошпана тошиш ҳаракатида бўлади. Шу тариқа аввал қишлоқлар, секин-аста шаҳарлар шаклланиб, ҳунармандчилик ривожланган. Одамлар қаерда ўтроқ халқقا айланган бўлса, билингки, ўша ерда оқар сув бўлган.*



**Б**ухоро дунёning қадимиш шаҳарларидан бири бўлиб, 2700 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида Зарафшон дарёси бўйида ривожланниб келган. Бу шаҳарда милоддан аввалги II асрдан танга зарб этилиши бошланган. Бу шуни кўрсатадики, ўша вақтларда ёк шаҳар ривожланган бўлган. Араб халифасига кўшилгандан кейин Бухоро мусулмон оламининг маданияти марказларидан бири бўлди. Бухорода ислом дунёсида ўз мавқеига эга етти пир яшаб, ижод қилиб, ислом маданиятига улкан ҳисса кўшган. Дунё цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаган Ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Имом Ал-Бухорий каби ўнлаб шахслар яшаб, ижод қилишган. Бухородан Буюк ипак йўли ўтиб, Хитой,

Хиндистон, Эрон ва Европа давлатлари билан савдо ва илмий-маданий ҳамда маърифий алоқалар ўрнатилган. Шаҳарнинг «Бухорои шариф» деб номланиши ҳам бежиз эмас, сабаби, олимлар, уламолар шаҳри бўлганлиги сабабли унга маданият ва ислом маданияти ўчоғи, деб, тариф беришган.

Тарихчиларнинг ёзишича, X асрда ёк Бухоро аҳолисининг кўплиги, бозорларида турли-туман маҳсулотларнинг мўллиги сабабли, «Бой шаҳар» номи билан машҳур бўлган. Шундай экан, бундай шаҳарда олиму фузалолардан тортиб,





турли касб эгаларининг муқим яшаб қолиши табиий ҳолдир.

Бу борада сув таъминоти шаҳарда асосий ўрин эгаллайди. Эски Бухоронинг сув таъминоти бу катта ирригацион қурилишдир. Бу тармоқнинг асосини шаҳардан ўтувчи каналлар ташкил этган. Ўша пайтда шаҳарда 10 та канал ва 114 та ҳовузлар мавжуд бўлиб, шаҳарнинг маркази Шаҳристон эса сувни кудуклардан олган. Бу ҳовузларни қуришда еrosti каналлари (қувурлар) қўйилган ва бу ҳовузлар қолган ҳовузлардан 10 м чуқурроқ қазилган. Барча ҳовузлар еrosti каналлари билан боғланган. Бу ерда яратилган муҳандислик иншоотлари пишиқ-пухталиги билан эътиборни тортади. Археологик қазиш ишлари чоғида топилган ер остидан ўтказилган ичимлик сувни таъминоти ти-

зими оқилона йўлга қўйилганидан далолат беради. Ўша пайтларда ҳозирги сув тармоғига ўхшаш тизим барпо этилиб, тортилган сопол қувурлар тизимнинг ишлаш механизми ҳам оддийликдан мураккаблик сари ишлаб чиқилганлигини кўрсатади. Сувни бутун шаҳарга бирдай етказиб бериш физика фанидаги туташ идишлар қоидасидан хабардор бўлишни талаб этади. Шаҳар атрофидаги сув таъминоти мироблар томонидан бошқарилган. Шаҳардаги ҳовузлар пасттекисликларда жойлашган бўлиб, ундаги сув мунтазам янгиланиб, назоратда бўлган.

XX аср бошларида большевиклар томонидан бир неча кун қилинган хужумлар оқибатида шаҳар вайрон қилинган. Бу эса шаҳар сув таъминотини бутунлай издан чиқарган.

Шу сабабли, барча ерости ва ерусти ҳовузлари бутунлай бузилган. Асрлар давомида шаклланган ирригация тизими ишдан чиқсан.

Натижада Бухоро шаҳри аҳолиси тоза ичимлик суви йўқлигидан азиат чеккан. Аҳоли заарарланган - вирусларга, микробларга тўла ифлосланган сувни ичишга мажбур эди. Бу ҳолатдан таъсиранган буҳоролик табиб Мирзо Абдулвоҳид Бурхонов (шоир) ўзининг бор бисотини сотиб, шаҳарни тоза ичимлик суви билан таъминлашга киришади.

1920 йилда Бухоро Амирининг ағдарилишидан кейин Бухоро Ҳалқ республикаси, деб эълон қилинди. Абдулвоҳид Бурхонов ёш республиканинг таълим ва соғлиқ вазири этиб тайинланади. У 1922 йилда Германияда ўз республикасининг элчиси сифатида ишлаган вақтларда 8 дан 12 ёшгача бўлган 45 нафар болаларни йиғиб, Германияга ўқишига олиб боради. Ўша вақтда Бухорога енгил ва мустаҳкам канализация ва сув қувурлари зарур эди. Улар асосан Германияда ишлаб чиқарилар эди.

1927 йилда унинг раҳбарлигига Арк биноси ёнида В.Шоховнинг сув минораси қурилди. Бу минора сувни пўлат қувурлардан олар эди. Миноранинг дизайнни жуда оддий. Ҳалқа пойдеворига қувватловчи ҳалқа ўрнатилган, унга ҳеч қандай мослашувларсиз металл чизиқлар тўғридан-тўғри ердан бириктирилган. Уларнинг кесишган жойлари орқали ёғоч тахта ўрнатилиб, унинг устига янги қисмлар кейинги қаватни йиғиши учун блоклардан фойдаланиб кўтарилади. Босқичлар тайёр бўлганда, ўрнатиш жойи аста-секин панжара устки тугунларига ўтказилади. Юқори мустаҳкамлик, енгиллик, шамолнинг паст қаршилиги, монтаж тезлиги, самарадор-



лик ва ниҳоят, шаклнинг меъморий жиҳатдан тўлиқлиги бундай минораларнинг кенг қурилишига олиб келди. Қурилиш 1929 йилда ниҳоясига етади. Биринчи шаҳар сув қувури ишлай бошлади. Бу минора узоқ йиллар давомида хизмат қилди.

1975 йилда ёнғин натижасида миноранинг ёғоч қисми ёниб, яроқсиз ҳолга келган ва меъморчилик ёдгорлиги сифатида сақланган.

Бухоро вилояти ўзининг тарихий обидалари кўплиги туфайли ҳозирда энг катта туристик потенциал ҳисобланади.

2017 йил 19 июнда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бутун Ўзбекистон бўйлаб янги иш ўринларини яратиш ва тарихий ёдгорликларни оқилона сақлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда ёдгорликларни асраш тўғрисида қарор қабул қилди.

Француз инвесторлари бу обьектга 200 минг евро сарфлади. Дастваб тозалаш учун 180 м<sup>3</sup> тупроқ олиб ташланди. Сўнгра фундамент қисми тозаланиб, қўшимча кучайтиришлар қилинди. Гумбаз ярим метр кўтарилиди ва миллий кўринишга эга бўлди. Понорамик лифт, миноранинг тепа қисмига томоша майдончаси қўйилди, шунингдек, шаҳар аҳолиси ва меҳмонлар учун кофетерий, француз ресторани, музей ва туристик маълумот марказлари ташкил этилди.

Айтиш жоизки, минора шаҳар аҳолисига ярим асрга яқин хизмат қилди. Ўз даврининг мукаммал муҳандислик иншооти бугунги кунда ҳам кўкка бўй чўзиб турибди. Бу халқимизнинг кечаги куни, аждодларимиз қолдирган тарихdir.

**Ш.РАДЖАБОВ**